



ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ОЧИЛМАЙ ҚОЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Шоимов Шаҳзодбек Шаҳобиддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11195669>

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддаси биринчи қисми, 1-банди[1] асосида иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли дастлабки тергови тўхтатилган жиноятлар фош этилмаган жиноятлар сифатида тушунилади. Айнан бугунги кунда мамлакатимизда ўтган йилларда содир этилиб, фош этилмаган жиноятлар масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ўйлантираётган муҳим муаммолардан биридир. Ўтган йилларда содир этилиб, фош этилмаган жиноятлар бўйича қўзғатилган ишларнинг аксариятида қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида қўрилмаслиги ва жиноятни фош этишга қаратилган тезкор чора-тадбирлар олиб борилмаётгани муаммоли ҳолатдир. Тергов органларининг бу борадаги фаолияти ўрганилганда, айнан ўтган йилларда фош этилмаган жиноят ишлари кесимида бундай хато ва камчиликлардан биринчиси сифатида терговчининг ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида (жиноятнинг иссиқ изидан) ва сифатли қўздан кечирмаслиги, шунингдек у ердан ишга алоқадор изларни олмаслигини кўрсатиш мумкин[2].

Жиноятчилик ўзида хилма-хил маълумотларни мужассам этган ижтимоий иллат сифатида эътироф этилади. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш қийин. Зотан, кейинги пайтларда анъана тусига кириб қолган ва жиноятчилик хусусидаги маълумотларни фақат умуман ёки қиёсий томондан чеклаш ҳамда криминология нуқтаи назаридан тизимга хос бўлмаган тарзда белгиланишидан ташқари бўлган имкониятлар ҳам мавжудлигини эсда тутиш лозим[3].

Шунингдек, яширин жиноятчиликка хос бўлган доимийликни, шу билан бирга, зарур вазиятларда аста-секинлик билан ўзгара олиш хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Тўғри, жиноятчиликка умумий таъриф беришда баъзи ҳолларда унинг яширин хусусияти эътиборга олинмайди. Фикримизча, ушбу ҳолатда муаллифлар латент жиноятларнинг моҳиятини бир қадар бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Зотан, у ёки бу воқеликни таҳлил этишда ушбу воқеликка хос






бўлган барча маълумотларни тўплаш шарт эмас. Энг асосийси, воқеликни илмий билишнинг тўғри йўлини топмоқ керак.

Шу ўринда ҳозирги кунда 2023 йил давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 73 797 нафар шахсга нисбатан 58 418 та жиноят иши кўриб чиқилди. 1 244 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинди. Судланган шахслар сони 55 763 нафарни ташкил этиб, шундан 17 396 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 37 077 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 1 290 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланган шахсларнинг 49 297 нафари эркак, 6 466 нафари аёл, 20 922 нафари ёшлар (шу жумладан 1 911 нафари вояга етмаган) ва 2 123 нафари 60 ёшдан ошган шахслар.

7 362 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залида қамокдан озод қилинди, 33 612 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 12 286 нафарига тайинланган жазоси енгили билан алмаштирилди ва 13 522 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди. 272 нафар шахсга (ёшлар, аёллар ва бошқалар) қафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Ҳисобот даврида кўрилган жиноят ишларнинг аксариятини фирибгарлик, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, безорилик, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ва пора бериш билан боғлиқ жиноятлар ташкил этади.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 5 855 нафар шахсга нисбатан 5 130 та жиноят иши кўриб чиқилди. 1 143 нафар шахсга нисбатан қўйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 509 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди. Шунингдек, кассация инстанциясида 467 нафар шахсга нисбатан 402 та жиноят иши такроран кўриб чиқилди. 288 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор





қилиниб, 121 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Ушбу ишларни амалга оширишдан асосий мақсад юртимизда жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳисобланади. Лекин баъзи бир тўсиқлар туфайли очилмай қолган жиноятлар ҳамда очилмай қолган жиноятларни содир этган шахслар жазосиз қолмоқда.


Ўтган 2020 йилда республикада жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда бир қатор самарали ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2020 йилда содир этилган умумий жиноятларнинг 92,6 фоизи (57 499 таси) фош этилган, қидирувдаги 2,446 нафар шахс ушланган, бедарак йўқолган 436 нафар шахс топилган. Ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган самарали тадбирлар натижасида иқтисодиёт ҳамда бошқарув тартиби ва одил судлов соҳасида 1 064 нафар шахс томонидан содир этилган 849 та жиноят аниқланиб, улар оқибатида етказилган 135,6 млрд. сўм миқдоридаги зарар ундирилиши таъминланган. Ички ишлар органлари ходимларининг ташаббуси билан аниқланган жиноятлар 2020 йилда қайд этилган жами жиноятларнинг 34 фоизини (20 994 та) ташкил этган[4].

Бундан кўриниб турибдики, очилмай қолган жиноятларни аниқлаб, ўз вақтида фош этиш тезкор хизматларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу жиноятларнинг очилиш ва фош этиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этишни жоиз топдик:

очилмай қолган жиноятларни аниқлаб, ўз вақтида фош этиш, тезкор хизматларнинг ваколатларига оид қонунчилик нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

очилмай қолган жиноятларни аниқлаб, ўз вақтида фош этиш борасида тезкор хизматлар фаолиятининг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;

ушбу жиноятларни фош этишда фуқаролар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, улар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;





умумеътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда тезкор хизматлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
2. Умматов М. Ўтган давр мобайнида фош этилмаган жиноятларни тергов қилиш бўйича мавжуд айрим муаммолар // Общество и инновации. – 2023. – Т. 4. – №. 4. – С. 81-84.
3. Холмирзаев М. Латент жиноятчилик жиноятларни криминологик прогнозлашнинг муаммоси сифатида // Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2024. – Т. 4. – №. 1. – С. 111-119.
4. Тоштемиров Д. Т. Ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг жиноятларни фош этиш бўйича фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишда тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг аҳамияти // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 256-263.
5. Қаршиев А. Ўрта асрлардаги тезкор-қидирув тадбирларини айрим жиҳатлари // Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 180-187.
6. Каршиев А.М. К вопросу о понятии «оперативная комбинация» // образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 68-71.
7. Каршиев А.М. и др. Нормативно-правовая регламентация обеспечения компьютерной безопасности информационных систем в республики узбекистан // образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 77-82.
8. Якубов Х.Ш. Тезкор-қидирув психологиясининг аҳамияти // образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 2. – С. 38-44.
9. Якубов Х. Ш. Тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбирининг тушунчаси // Лучшие интеллектуальные исследования. – 2023. – Т. 11. – №. 5.

